ISSN: 2181-0796
DOI: 10.26739/2181-0796
www.tadqiqot.uz

# TIL, TA'LIM, TARJIMA
## XALQARO JURNALI

# МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
## ЯЗЫК, ОБРАЗОВАНИЕ, ПЕРЕВОД

# INTERNATIONAL JOURNAL OF
## LANGUAGE, EDUCATION, TRANSLATION

Alisher Navoi

VOLUME 2
ISSUE 4
2021

ISSN: 2181-0796

Doi Journal 10.26739/2181-0796

# TIL, TA'LIM, TARJIMA

2-SON, 4-JILD

# ЯЗЫК, ОБРАЗОВАНИЕ, ПЕРЕВОД

НОМЕР-2, ВЫПУСК-4

# LANGUAGE, EDUCATION, TRANSLATION

VOLUME-2, ISSUE-4

TOSHKENT-2021

# TIL, TA'LIM, TARJIMA XALQARO JURNALI

№4 (2021) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-0796-2021-4



**Bosh muharrir:**

**Mirzayev Ibodulla**
f.f.d., professor (O'zbekiston)

**Bosh muharrir o'rinbosari:**

**Ismoilov Salohiddin**
f.f.n., professor (O'zbekiston)

**TAHRIR HAY'ATI:**

**Mahmudov Nizomiddin**
f.f.d., professor (O'zbekiston)

**Boqiyeva Gulandom**
f.f.d., professor (O'zbekiston)

**Jalolov Jamol**
p.f.n., professor (O'zbekiston)

**Dadaboyev Hamidulla**
f.f.d., professor (O'zbekiston)

**Ingeborg Baldauf**
f.f.d., professor (Germaniya)

**Yo'ldoshev Qozoqboy**
p.f.d., professor (O'zbekiston)

**Rasulov Ravshanxo'ja**
f.f.d., professor (O'zbekiston)

**Mamatov Abdi**
f.f.d., professor (O'zbekiston)

**Safarov Shahriyor**
f.f.d., professor (O'zbekiston)

**Shahobiddinova Shohida**
f.f.d., professor (O'zbekiston)

**To'xtasinov Ilhom**
p.f.d. (O'zbekiston)

**Qulmamatov Do'smamat**
f.f.d., professor (O'zbekiston)

**Jumaboyeva Jamila**
f.f.d., professor (O'zbekiston)

**Mirzohidova Muyassar**
f.f.d., professor (Qirg'iziston)

**Uluqov Nosirjon**
f.f.d., professor (O'zbekiston)

**Eltazarov Jo'liboy**
f.f.d., professor (O'zbekiston)

**Umurqulov Bekpo'lat**
f.f.d., professor (O'zbekiston)

**Bakirov Poyon**
f.f.d., professor (O'zbekiston)

**Pardayev Azamat**
f.f.d., dotsent (O'zbekiston)

**Kiselev Dmitriy**
f.f.d., dotsent (O'zbekiston)

**Xurshid Xayrullayev**
f.f.d., dotsent (O'zbekiston)

**Mirzayev Rahmatulla**
yu.f.n., dotsent (O'zbekiston)

**Suvanova Jumagul**
f.f.n. (O'zbekiston)

**Isakova Nodira**
f.f.n. (O'zbekiston)

**Qodirova Barno**
kotib, PhD (O'zbekiston)

**Xasanov Axmad**
mas'ul kotib, (O'zbekiston)

**ILMIY MASLAHAT KEMGASHI:**

**Turniyozov Ne'mat**
f.f.d., professor (O'zbekiston)

**Irisqulov Muhammadavaz**
f.f.d., professor (O'zbekiston)

**Berdaliyev Abduvali**
f.f.d., professor (Tojikiston)

**Sayfullayeva Ra'no**
f.f.d., professor (O'zbekiston)

**Mustafa Ug'urlu**
f.f.d., professor (Turkiya)

**Djusupov Maxanbat**
f.f.d., professor (O'zbekiston)

**Jabborov Xo'jamurod**
f.f.d., dotsent (O'zbekiston)

**Bozorov Odil**
f.f.d., professor (O'zbekiston)

**Abdiyev Murodqosim**
f.f.d., professor (O'zbekiston)

**Raximov G'anisher**
f.f.d., professor (O'zbekiston)

**Rasulova Mahfuza**
f.f.d., professor (O'zbekiston)

**Yoqubov Jamoliddin**
f.f.d., professor (O'zbekiston)

**Baqoyeva Muhabbat**
f.f.d., professor (O'zbekiston)

**Karimov Suyun**
f.f.d., professor (O'zbekiston)

**Rizayev Bahodir**
f.f.d., professor (O'zbekiston)

**Mo'minov Siddiq**
f.f.d., professor (O'zbekiston)

**Mamatov Abdug'ofur**
f.f.d., professor (O'zbekiston)

**Suvonova Nigora**
f.f.n., dotsent (O'zbekiston)

**Mukhametkaliyeva Gulnar**
f.f.n. (Qozog'iston)

**Saidov Sa'no**
f.f.n., dotsent (O'zbekiston)

**Sahifalovchi:** Shakhram Fayziev



**Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz**
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр. 1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/;
Email: info@tadqiqot.uz Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/;
Email: info@tadqiqot.uz Тел: (+998-94) 404-0000

# МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ЯЗЫК, ОБРАЗОВАНИЕ, ПЕРЕВОД

№4 (2021) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-0796-2021-4



**Главный редактор:**

**Мирзаев Ибадулла**
д.ф.н., профессор (Узбекистан

**Заместитель главного редактора:**

**Исмаилов Салахиддин**
к.ф.н, доцент (Узбекистан)

**РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:**

**Махмудов Низамиддин**
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Бакиева Гуландом**
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Жалалов Жамол**
д.п.н., профессор (Узбекистан)

**Дадабаев Хамидулла**
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Ингеборг Бальдауф**
д.ф.н., профессор (Германия)

**Йулдашев Казакбай**
д.п.н., профессор (Узбекистан)

**Расулов Равшанхужа**
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Маматов Абди**
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Сафаров Шахриёр**
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Шахабиддинова Шахида**
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Тухтасинов Илхам**
д.п.н., профессор (Узбекистан)

**Кулмаматов Дусмамат**
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Жумабаева Жамила**
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Мирзахидова Муяссар**
д.ф.н., профессор (Киргизистан)

**Улуков Насиржан**
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Элтазаров Жулибай**
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Умуркулов Бекпулат**
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Бакиров Поён**
д.ф.н., профессор (Узбекистон)

**Пардаев Азамат**
д.ф.н., доцент (Узбекистан)

**Киселев Дмитрий**
д.ф.н.,доцент (Узбекистан)

**Хуршид Хайруллаев**
д.ф.н., доцент (Узбекистон)

**Мирзаев Раҳматулла**
д.ю.н., доцент (Узбекистан)

**Суванова Жумагул**
к.ф.н. (Узбекистан)

**Исакова Нодира**
д.ф.н. (Узбекистан)

**Кадирова Барно**
секретарь, PhD (Узбекистан)

**Хасанов Ахмад**
отв. секретарь (Узбекистан)

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ:**

**Турниязов Неъмат**
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Ирискулов Мухаммадаваз**
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Бердалиев Абдували**
д.ф.н., профессор (Таджикистан)

**Сайфуллаева Раъно**
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Мустафа Угурлу**
д.ф.н., профессор (Турция)

**Джусупов Маханбат**
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Жаббаров Хужамурад**
д.ф.н., доцент (Узбекистан)

**Базаров Адил**
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Абдиев Мурадкасим**
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Рахимов Ганишер**
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Расулова Махфуза**
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Якубов Жамалиддин**
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Бакоева Мухаббат**
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Каримов Суюн**
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Ризаев Бахадир**
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Муминов Сиддик**
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Маматов Абдугафур**
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Сувонова Нигора**
к.ф.н., доцент (Узбекистан)

**Мукхаметкалиева Гульнар**
к.ф.н. (Казакстан)

**Саидов Саъно**
к.ф.н., доцент (Узбекистан)

**Вёрстка:** Шахрам Файзиев



**Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz**
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр. 1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/;
Email: info@tadqiqot.uz Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/;
Email: info@tadqiqot.uz Тел: (+998-94) 404-0000

# INTERNATIONAL JOURNAL OF LANGUAGE, EDUCATION, TRANSLATION

№4 (2021) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-0796-2021-4



**Chief Editor:**

**Mirzaev Ibodulla**
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Deputy Chief Editor:**

**Ismailov Salokhiddin**
Cand.of phil.sciences, assistant professor (Uzbekistan)

**EDITORIAL BOARD:**

**Makhmudov Nizamiddin**
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

**Bakieva Gulandom**
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

**Jalolov Jamol**
Doc. of ped. scien., prof. (Uzbekistan)

**Dadaboev Khamidulla**
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

**Ingeborg Baldauf**
Doc. of phil. scien., prof. (Germany)

**Yuldashev Kazakbay**
Doc. of ped. scien., prof. (Uzbekistan)

**Rasulov Ravshankhuja**
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

**Mamatov Abdi**
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

**Safarov Shakhriyor**
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

**Shakhobiddinova Shokhida**
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

**Tukhtasinov Ilhom**
Doc. of ped. scien. (Uzbekistan)

**Kulmamatov Dusmamat**
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

**Jumabaeva Jamila**
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

**Mirzokhidova Muyassar**
Doc. of phil. scien., prof. (Kirghizistan)

**Ulukov Nosirjon**
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

**Eltazarov Juliboy**
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

**Umurkulov Bekpulat**
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

**Bakirov Poyon**
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

**Pardaev Azamat**
Doc. of phil. scien., assoc. prof. (Uzbekistan)

**Kiselev Dmitriy**
Doc. of phil. scien., assoc. prof. (Uzbekistan)

**Khurshid Khayrullaev**
Doc. of phil. scien., assoc. prof. (Uzbekistan)

**Mirzaev Rahmatulla**
Doc. of jurispr. scien., assoc.prof. (Uzbekistan)

**Suvanova Jumagul**
Cand. of phil. sciences (Uzbekistan)

**Isakova Nodira**
Doc. of phil. scien. (Uzbekistan)

**Kadirova Barno**
Secretary, PhD (Uzbekistan)

**Hasanov Ahmad**
senior secretary (Uzbekistan)

**SCIENTIFIC ADVISORY COUNCIL:**

**Turniyazov Nemat**
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

**Iriskulov Mukhammadavaz**
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

**Berdaliev Abduvali**
Doc. of phil. scien., prof. (Tajikistan)

**Sayfullaeva Rano**
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

**Mustafa Ugurlu**
Doc. of phil. scien., prof. (Turkey)

**Djusupov Makhanbat**
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

**Jabborov Khojamurod**
Doc. of phil. scien., assoc.prof. (Uzbekistan)

**Bozorov Odil**
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

**Abdiev Murodkosim**
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

**Rakhimov Ganisher**
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

**Rasulova Makhfuza**
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

**Yakubov Jamoliddin**
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

**Bakaeva Mukhabbat**
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

**Karimov Suyun**
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

**Rizaev Bakhodir**
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

**Muminov Siddik**
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

**Mamatov Abdugafur**
Doc. of phil. scien., prof. (Uzbekistan)

**Suvonova Nigora**
Cand. of phil. sciences, assoc.prof. (Uzbekistan)

**Mukhametkalieva Gulnar**
Cand. of phil. sciences (Kazakhstan)

**Saidov Sano**
Cand. of phil. sciences, assoc.prof. (Uzbekistan)

**Pagemaker:** Shakhram Fayziev



**Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz**
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр. 1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/;
Email: info@tadqiqot.uz Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/;
Email: info@tadqiqot.uz Тел: (+998-94) 404-0000

# MUNDARIJA\СОДЕРЖАНИЕ\CONTENT

## TILSHUNOSLIK

**Хайруллаев Хуршиджон Зайниевич**
САТҲ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАБИАТИ.....7
**Ахмедов Рафаэль Шарифович**
ILMIY FANTASTIK ADABIYOTIGA OID MATNLARNING TARJIMASI: LINGVISTIK VA PEDAGOGIK ASPEKTLARI.....20
**Berdimuratova Lazzat**
QIZILQUM HUDUDIDAGI UMUMTURKIY TOPONIMLARNI RIVOJLANTIRISHNING LINGVISTIK VA EXTRALINGVISTIK OMILLARI.....31
**Shadiyeva Dilrabo Qurbonovna**
RUS TILINING TURLI TILI STANDARTLARINI BUZILISHI OAVDA FOYDALANISH NORMALARI HAQIDA.....42
**Mavlonov Ahmadjon Hoshimovich**
"SADDI ISKANDARIY" DOSTONIDA QO'LLANILGAN HARBIY TERMINLAR TAHLILI.....52

## TA'LIMSHUNOSLIK

**Jabborov Xo'jamurod Jabborovich, Saydullayeva Ra'no Ibadovna, Chariyeva Sarvinoz Tuyg'unovna**
PROFESSOR TO'RA NAFASOV - O'ZBEK TOPONIMIKASINING YIRIK TADQIQOTCHISI.....61
**Жалолов Жамол**
ТИЛ ЎЗ СОҲИБИ МАДАНИЯТИНИНГ КЎЗГУСИДИР.....71
**Қодиров Умут Рўзибойович**
ТИЛЛАР ТАЪЛИМИНИНГ ЛИНГВИСТИК АСОСЛАРИ.....81

## TARJIMASHUNOSLIK

**Муминов Сидиқжон, Эхсанова Муқаддамхон**
БАДИИЙ МАТНДА ИНГЛИЗЧА ОЛИНМАЛАРНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....90
**Сувонова Нигорабону**
"ОҚ РАНГ"НИНГ ЛИНГВИСТИК, ПСИХОЛОГИК ВА ТЕОЛОГИК ТАЛҚИНИ (француз ва ўзбек тиллари мисолида).....98
**Маҳмудов Алишер Йўлдошевич**
Г.Э.ЛЕССИНГ ДРАМАЛАРИ ТАРЖИМАСИДА АСЛИЯТ ВА ВОСИТАЧИ ТИЛНИНГ ЎРНИ.....111
**Булекбаева Шолпан**
ДАВЛАТ ТИЛИНИ ЎРГАНИШДА ҚИЁСИЙ ЛЕКСИКОЛОГИЯНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ.....120
**Қодирова Наргизахон Мухтаровна**
НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА КОМПЛИМЕНТ КОНЦЕПТИНИНГ ИЗОМОРФ ВА АЛЛОМОРФ ЖИҲАТЛАРИ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ.....130
**Мамасолиев Рустамжон Адҳамжонович**
НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА "МУАЛЛИМ" КОНЦЕПТИНИНГ КОММУНИКАТИВ ВА ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....139

TIL, TA'LIM, TARJIMA
ЯЗЫК, ОБРАЗОВАНИЕ, ПЕРЕВОД
LANGUAGE, EDUCATION, TRANSLATION

**Сувонова Нигорабону,**
доцент, филология фанлари номзоди,
Самарқанд давлат чет тиллар институти,
Самарқанд, Ўзбекистон
suvonova72@mail.ru

# "ОҚ РАНГ"НИНГ ЛИНГВИСТИК, ПСИХОЛОГИК ВА ТЕОЛОГИК ТАЛҚИНИ

(француз ва ўзбек тиллари мисолида)

https://doi.org/10.5281/zenodo.5837311

**АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада "ранг лингвистикаси" бўйича "оқ ранг"нинг тилшунослик, психологик ва теологик нуқтаи назаридан ифодалаган рамзий ва категориал маънолари қиёсий таҳлил қилинган. Хусусан, "оқ ранг"нинг ушбу уч хил мезон доирсидаги талқини қардош бўлмаган тиллар, яъни француз ва ўзбек тилларидаги фразеологик бирликлар мисолидаги лисоний маъно оттенкалари, психологик қарашлардаги рамзий тушунчалари ҳамда ислом динининг муқаддас китоби - "Қуръони Карим"даги диний маънолари асосида қиёсий ўрганилган. Бунга кўра "оқ ранг"нинг француз ва ўзбек фразеологиясидаги ижобий, салбий ва нейтрал маънолардаги ифодасини батафсил таҳлил қилиш орқали ушбу рангга хос ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида учрайдиган вазиятлар ҳамда индивидуал шахс фазилати ва иллатига хос характерли хусусиятларнинг намоён бўлиши аниқ мисоллар орқали изоҳлаб ўтилган. Бунинг натижасида "оқ ранг"нинг лингвистик, психологик ва диний қарашлардаги маъно оттенкалари ўртасидаги ўзаро мувофиқлик хусусиятлари алоҳида эътиборга олинган.

**Калит сўзлар:** ранг лингвистикаси, оқ ранг, "Қуръони Карим", маъно оттенкалари, фразеологик иборалар, ижобий, салбий, нейтрал, шахс фазилати, шахс иллати.

**Сувонова Нигорабону,**
доцент, кандидат филологических наук,
Самаркандский государственный институт иностранных языков,
Самарканд, Узбекистан
suvonova72@mail.ru

## ЛИНГВИСТИЧЕСКОЕ, ПСИХОЛОГИЧЕСКОЕ И ТЕОЛОГИЧЕСКОЕ ТОЛКОВАНИЕ "БЕЛОГО ЦВЕТА"

(на примере французского и узбекского языков)

**АННОТАЦИЯ**

В статье проводится сравнительный анализ символического и категориального значений слова "белый" в лингвистическом, психологическом и теологическом терминах с точки зрения "цветовой лингвистики". В частности, толкование слова "белый" в контексте этих трех критериев было сравнительно изучено на основе не родственных языков, таких как французские и узбекские фразеологические единицы, лингвистические значения, психологические концепции и религиозные значения в священной книге Ислам - Коран. Соответственно, подробный анализ выражения "белый" во французской и узбекской фразеологии в положительном, отрицательном и нейтральном значениях объясняет ситуации, встречающиеся в различных сферах общественной жизни, а также проявления личностных черт и характеристик. В результате особое внимание уделяется особенностям соответствия смысловых нюансов "белого цвета" в языковых, психологических и религиозных взглядах.

**Ключевые слова:** цветовая лингвистика, белый цвет, "Священный Коран", смысловые оттенки, фразеологические выражения, позитивное, негативное, нейтральное, личностные качества, личностные недостатки.

**Suvonova Nigorabonu,**
Associate Professor, Candidate of Philological Sciences,
Samarkand State Institute of Foreign Languages,
Samarkand, Uzbekistan
suvonova72@mail.ru

## COMPARATIVE ANALYSIS OF THE " WHITE COLOUR" IN LINGUISTICS, PSYCHOLOGY AND THE "HOLY QUR'AN"

(in the example of French and Uzbek)

**ABSTRACT**

This article provides a comparative analysis of the symbolic and categorical meanings of "white" in terms of linguistics, psychology and theology in "color linguistics". In particular, the interpretation of "white colour" in the context of these three criteria has been studied comparatively on the basis of incompatible languages, such as French and Uzbek phraseological units, linguistic meanings, symbolic concepts in psychological views and religious meanings in the holy book of Islam - the Koran. Accordingly, a detailed analysis of the expression of "white" in French and Uzbek phraseology in positive, negative and neutral meanings explains the situation in various spheres of social life and the manifestation of individual characteristics and traits. As a result, the features of the correspondence between the semantic nuances of the "white color" in linguistic, psychological and religious views are taken into account.

**Keywords:** linguistics of colour, "white", "Holy Qur'an", semantic nuances, phraseological expressions, positive, negative, neutral, personality traits, personality traits.

**Кириш.** Қадим замонлардан буён инсонлар ранг ва уларнинг амалий, назарий, маънавий, ҳамда психологик хусусиятларига алоҳида қизиқиб келишган. Хусусан, антик даврларда машҳур файлусуфлар Эмпедокл, Демокрит, Афлотуон ва Аристотеллар ранглар борасида илмий ва амалий қарашларни илгари сурган, яъни улар ўша давр эстетик нормаларидан келиб чиққан ҳолда рангларни табий-илмий, диний ҳамда мавҳум рамзий маънолари нуқтаи назаридан тавсифлаганлар [15].

Ҳозирги кунда ҳам рангларни турли соҳа нуқтаи назаридан ўрганиш билан бир қаторда, улар тўғрисидаги илмий ғояни ривожлантириш масалалари илмий тадқиқотчилар диққат марказидан ўрин олмоқда. Хусусан, рангларнинг ўзига хос турли-туман ранг-баранглик асосидаги кўзни қамаштирадиган жилоси санъатшунослик, фалсафа, физика, физиология, психология ҳамда тилшунослик фанлари нуқтаи назаридан кенг тадқиқ қилиб келинган. Бунда санъатшунослик фани рангни тасвирий санъат ва дизайнерлик нуқтаи назардан, фалсафа фани реал борлиқдаги рангларнинг инсон онг ва тафаккурига бўлган таъсири нуқтаи назаридан, физика ва физиология фанлари уларни техник нуқтаи назардан тадқиқ этса, психология фани эса, инсоннинг севимли ранги ва унинг руҳий қарашлари, характери ҳамда одоб-ахлоқига бўлган таъсири каби хусусиятларни, тилшунослик фани эса ранглар жилосини тилда қай йўсинда акс эттиришдаги лисоний воситаларни ўрганиш масалаларини илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратган.

Бундан шуни англаш жоизки, турли соҳа тадқиқотчиларининг тадқиқот объекти бир хил, яъни "ранг" тушунчаси бўлишидан қатьий назар, уларга хос ранг-баранг хусусиятларнинг, жумладан, эстетик, маънавий, фалсафий, техник, психологик, диний, тасвирий, лисоний каби турли хил жиҳатларининг тадқиқ этилиши рангларни ўрганувчи фанларнинг хилма-хиллигидан далолат беради. Масалан, "ранг" тушунчасининг асл соҳиби ҳисобланган рассом ранг орқали бутун борлиқ ёки хаёлий дунёни кўринарли шаклларда тасвирлайди, маконнинг чексизлигини, ундаги нарсаларнинг ранг-баранглигини, моддийлигини кўрсатиши, шунингдек, ҳаракат, инсон руҳиятидаги ўзгаришлар, мураккаб ҳиссий кечинмалар, ўй-хаёлларни акс эттириши мумкин [20]. Рассомнинг ижод маҳсули ҳисобланган бундай рангли тасвирдаги турфа буёқлар инсонларнинг ўз характеридан келиб чиққан ҳолда кишилар онгига қандай таъсир қилиши психологлар томонидан ўрганилса, ундаги воқеа-ҳодисалар қай тарзда тасвирланганлиги эса сўзлар орқали тилшунослар томонидан ўрганилади.

Шундай экан, ранглар жилосини нафақат, санъатшунослик соҳаси доирасида, балки, тилда ва психологияда акс эттириш масалалари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, кейинги ўн йил мобайнида филология соҳасида ранг ва унинг тилдаги тасвири муаммосига бағишланган илмий изланишлар кўпчиликни ташкил этади. Яъни, тилшуносликда рангларнинг коммуникатив, когнитив, прагматик ва лингвомаданий хусусиятлари доимо тадқиқот марказида эканлиги ушбу соҳага нисбатан тадқиқотчилар қизиқишини янада ортишига сабаб бўлмоқда.

Асосий қисм. Юқорида таъкидланганидек, тилшунослик фани ҳам ранглар масаласига бошқа фанлар сингари алоҳида ўрганиш объекти сифатида ёндашган. Рангларнинг психологик турфа жиҳатларини лисоний ҳодисалар билан ўзаро боғлаган ҳолда тадқиқ этиш анча кенгқамровли соҳалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бинобарин, Р.М. Фрумкина таъкидлаганидек, "ранглар олами" - соф психик ҳодиса ҳисобланиб, табиатда мавжуд ёруғлик тўлқинлари инсонлар кўзи орқали турли хил жилоланиб, инсон миясига таъсир кўрсата олади [11,Б.6].

Шундай экан, ранг ва унинг реал борлиқдаги сержило тасвирини психологик ва лисоний талқин қилиш билан бир қаторда рангларнинг диний талқини билан бирга ўрганиш ҳам фанда ранг борасидаги ғоя ва қарашлар мазмунини янада бойитишга хизмат қилади.

Тилшунослик фанида ҳам диний илмни чуқур ўрганиш ва ундан тўғри озиқланиш хусусида кўплаб теран тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шундай экан, ислом динининг муқаддас китоби ҳисобланган "Қуръони Карим" ва ундаги ғоялар тавсифини замонавий фанлар нуқтаи назаридан сўз санъати ҳамда инсон руҳияти масаллари билан ўзаро боғлиқ тарзда илмий жиҳатдан ўрганиш долзарб масалалардан бири саналади. Зеро, биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлар эканмиз, ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади [16].

Мазкур мақолада ранглар тасвирининг француз ва ўзбек тилларидаги фразеологик маъно оттенкалари психология фани ҳамда ислом динининг муқаддас китоби "Қуръони Карим"да келтирилган рангларга нисбатан тавсифи билан ҳамоҳанглиги таҳлил қилинади. Яъни, тил, руҳият ва диний таълимда рангларнинг ўзаро мазмуний алоқадорлиги аниқ мисоллар асосида қиёсий тарзда ўрганилади.

Ранглар маданияти ва унинг бошқа фанлар, хусусан, психология, физиология ва маданиятшунослик каби фанлар билан ўзаро чамбарчас боғлиқлиги Н.В.Серовнинг "Цвет культуры. Психология, культурология, физиология" [8,Б.672] номли китобида кенгқамровли тарзда акс этган бўлиб, унда рангларнинг маданий, ижтимоий-сиёсий, диний, психологик, семантик ва бошқа хусусиятлари борасидаги маълумотлар қомусий мажмуа тарзида акс этган. Бироқ, ушбу масала кейинги йилларда айнан ноқардош тиллар кесимида бироз эътибордан четда қолмоқда.

Ранг борасидаги мазкур мавзуни тадқиқ этиш мақсадида Ғарб ва Шарқ олами маданияти ва тилини қиёсий ўрганишдан келиб чиққан ҳолда бир-бирига нисбатан ноқардош тиллар ҳисобланган француз ва ўзбек тилининг "ранг" тушунчаси доирасидаги луғат бойлиги ҳамда "ранг" хусусидаги психологик ва диний қарашлар эътиборга олинади.

Ушбу мақолада француз ва ўзбек тилида ранг тушунчасини тавсифлаш учун оқ ранг иштирокидаги фразеологик бирликлар танлаб олинган. Ушбу рангнинг ўзига хос қонуниятларини турли тиллар асосида ўрганиш борлиқни идрок этиш механизмини тўғри тушуниш, баҳолаш ҳамда тафаккурнинг ўзига хослигини англаш имконини беради.

Оқ рангнинг психологик тавсифига эътибор қилсак, у поклик, айбсизлик, қувонч, садоқат, тенглик, очиқлик, равонлик ва осонлик тимсоли сифатида талқин қилинади [18]. Шунингдек, оқ рангнинг "Қуръони Карим"даги маъноларига тўхталадиган бўлсак, у асосан, ёруғлик, қуёш нури, тонг, жаннат аҳлининг юзи, жаннат ичимлигининг ранги каби ижобий тушунчаларда ўз аксини топади [13, Б.45-187]. Ушбу ранг ҳеч қайси манбада салбий тавсифга эга эмас. Бироқ оқ ранг инсон руҳиятини ифодаловчи фразеологик иборалар таркибида қўлланилганда юқорида келтирилган тушунчаларга нисбатан батамом тескари маъноларни ифодалашга хизмат қилади. Хусусан, қўрқув, саросима ва ғазаб ҳолатлари шулар жумласидандир [17, Б.129-136].

Оқ рангнинг тиллардаги маъноси хусусида тўхталадиган бўлсак, ушбу ранг француз тилидаги фразеологик иборалар таркибида blanc, blanche сифати ва blanchir феълига хос грамматик шакллар асосида жуда кенг тарзда қўлланилади ва у француз фразеологиясида қўлланилиш частотасига кўра ранглар ичида

қора рангдан сўнг иккинчи ўринни эгаллайди [2,Б.18] Мазкур кичик илмий изланиш учун эса 150га яқин французча фразеологик бирликлар таҳлил қилинди.

Таҳлил қилиш давомида оқ ранг француз фразеологиясида турли хил маъноларда қўлланилиши кўзга ташланади. Масалан, унинг фразеологик иборалар ичида энг доминант маъноларидан бум-бўш, яъни тўлдирилмаган ҳужжат, ёзилмаган варақ ёки ёзувда ташлаб кетилган бўш жой каби маънолари кўплаб ўринларда учрайди:

| **Французча фразеологизмлар:** | **Талқини:** |
|---|---|
| *chèque en blanc ;* | суммаси ёзилмаган чек; |
| *signer en blanc ;* | оқ қоғозга имзо қўймоқ; |
| *billet blanc ;* | сайловдаги тўлдирилмаган бюллетен; |
| ***feuille en blanc ;*** | бир томонига ёзилган қоғоз; |
| *à blanc ;* | интервал; |
| *laisser un blanc ;* | ёзувда бўш жой қолдирмоқ; |
| *bureaux en blanc ;* | бўш офислар ; |
| *sortir avec le bâton blanc ;* | икки қўли бум-бўш чиқиб кетмоқ; |

Оқ ранг маъносидаги blanc сўзининг бум-бўш маъноси нафақат қоғозлардаги ёзилмаган ҳолат, балки, бошқа объектларнинг ҳам бўшлигини ёки суҳбат жараёнидаги жим сукунат ҳолатини ҳам ифодалайди. Масалан, қуйидаги мисолларга эътибор қилайлик:

| **Французча фразеологизмлар:** | **Ўзбекча талқини:** |
|---|---|
| *bureaux en blanc ;* | бўш (эгасиз) офислар ; |
| *avoir un blanc ;* | сукут сақламоқ; |
| *silence blanc ;* | сукунат; |
| *laisser une marge blanche* | жим сукут сақламоқ; |
| *blanche mémoire* | суст хотира (бум-бўш хотира); |

Тилда оқ ранг маъносидаги лексик бирликнинг қўлланиши ва улар билан боғлиқ экспрессив-эмоционал хусусиятларнинг айнан фразеология соҳасида ҳам тадқиқ этиш инсон ички кечинмалари ва руҳиятини ифодалашда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, фразеологик ибораларда рангларнинг қўлланилиши ички руҳиятни ташқи руҳиятда акс эттириш жараёнини анча осонлаштиради, яъни бошқача қилиб айтганда, руҳият оламидаги ички ҳис-туйғунинг рангин манзарасини "кўра олиш"га ёрдам беради. Бу борада файласуф Тафтазоний инсон ички ҳис-туйғуси ташқи ҳиссиёт асосида пайдо бўлишини қайд этади [10].

Ҳозирги замон тилшунослигида инсон руҳиятини ифодаловчи фразеологик бирликларнинг ўзига хос семантикасини, уларнинг нутқда қўлланиши ва услубий хусусиятларини таҳлил қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Уларнинг пайдо бўлиш характери, давомийлик даражаси ҳамда нутқда қўлланиш даражаси ва маъно оттенкаларини таҳлил қилиш тилимизнинг ифода имкониятлари ва унинг бойлигини тўлароқ тасаввур қилиш имконини беради [9,Б.65-79].

Тилда инсонларнинг ички руҳий оламини ранг лексемалари орқали экспрессив-эмоционал тарзда тасвирлаш жараёнида руҳият ва ранглар ўртасидаги ўзаро муносабатлар уларнинг метафорик ва метонимик хусусиятлари доирасида

амалга ошади. Турли хил эмоционал вазиятларда инсонлар юзининг ранги қизариши, оқариши ёки кўкариши мумкин. Бундай ташқи руҳият тасвирини ифодалашда французча blanc, яъни оқ ранг маъносидаги сўз ўзига яраша аҳамият касб этади. Хусусан, бу ранг иштирокидаги фразеологик иборалар қўрқув маъноларини ифодалайди. Масалан:

| **Французча фразеологизмлар:** | **Ўзбекча талқини:** |
|---|---|
| *être blanc comme un linge ;* | докадек оқариб кетмоқ; |
| *être blanc comme un mort ;* | мурдадек оқариб кетмоқ; |
| *être blanc comme un mur ;* | девордек оқариб кетмоқ; |
| *blanc comme un linceul;* | ниҳоятда оқариб кетган; |
| *blanc comme un cire ;* | ранги мурдадек оқариб кетган; |
| *blanc comme un cachet d'aspirine ;* | ранги докадек оқарган; |
| *avoir les fois blancs ;* | жони ҳалқумига келмоқ; |

Ушбу мисоллар қўрқув эмоционал ҳолатининг ташқи руҳий тасвирини ифодаловчи иборалар ҳисобланса, яна бир туркум иборалар мавжуд бўлиб, улар ушбу ҳолатнинг ўзини ифодаловчи номинатив фразеологизмлар сифатида хизмат қилади. Масалан, *peur blanche ; - даҳшатли қўрқув; voix blanche ; - қўрқувдан чиқмаган овоз; soldat de fer blanc ; - қўрқоқ одам;* кабилар шулар жумласидандир. Эмоционал ҳолатнинг қўрқувдан ташқари *азоб чекиш (cracher blanc) ; тушкунликка тушмоқ (être blanc) ; кўр-курона рашк (jalousie blanche); руҳини кутармоқ (monter le blanc en neige ); colère blanche (қаттақ ғазаб) ;* сингари маънолари ҳам кам сонли бўлса-да, оқ ранг - *blanc* орқали ифодаланади.

Қуйида оқ ранг маъносидаги *blanc* лексемасининг фразеологиядаги яна бошқа салбий ва ижобий маъно оттенкаларини келтириб ўтамиз:

| ***"blanc"* сўзининг фразеологиядаги маъно оттенкалари** | | | |
|---|---|---|---|
| **Ижобий маъно:** | | **Салбий маъно:** | |
| Яхшилик ва эзгулик: | *âme blanc ; blanche main ; magie blanche ;* | Сохталик: | *sourire blanc ; mariage blanc; faire blanc de qch. ;* |
| Айбсизлик: | *sortir blanc ;* | Қадрсизлик: | *raide à blanc;* |
| Билимдонлик: | *donner dans le blanc ;* | Алдов : | *traiter des blancs ; messe blanche ;* |
| Имтиёз : | *carte blanche ; montrer patte blanche;* | Зўравонлик : | *bâton blanc ; armes blanches; être tout à blanc armée ;* |
| Бахт : | *voir tout en blanc ; fils de la poule blanche ;* | Мағлубият, омадсизлик: | *arborer le drapeau blanc de son épée; choux blanc; faire du blanc ;* |
| Мақтов : | *se faire blanc de son épée;* | Қатъиятсизлик : | *aller du blanc au noir ;* |
| Тоза, янги: | *eau blanche ; page blanche;* | Қолоқлик: | *n'avoir pas du sang blanc; ne connaitre ni le blanc, ni le noir ;* |
| Тантанали : | *marquer de blanc;* | Ёмон иллат: | *oie blanche; aigle blanc; avoir une ivresse blanche;* |
| Аъло, зўр : | *boule blanche;* | Зарар: | *éléphant blanc;* |
| | | Азоб : | *cracher blanc ;* |
| | | Уйқусизлик : | *nuit blanche;* |

Тилшунос олим Ш. Сафаров таъкидлаганидек, ташқи дунёдаги турли воқеа ва предметлар хусусий кўринишдаги белги, хусусиятларга эга. Лисоний тафаккур фаолиятининг когнитив босқичидан лисоний воқеланиш босқичига ўтишда қиёслаш, анализ ва синтез амаллари муҳим роль ўйнайди. Шу амаллар воситасида умумийлик ва хусусийлик фарқланади [7,Б.229]. Шунга биноан, агар оқ рангнинг француз фразеологиясидаги бу каби семантик маъно оттенкалари умумий тарзда таҳлил қилинса, уларни икки катта гуруҳга, яъни "ҲАЁТ ЗАВҚИ" ва "ҲАЁТ АЗОБИ" сингари туркумлаш мумкин. Масалан, ҳаётда кимгадир доимо яхшилик қилиш (*âme blanc ; blanche main ;*), эзгулик йўлидан бориш (*magie blanche ;*), ўзининг айбсиз эканлигини исботлаш (*sortir blanc ;)*, ўткир зеҳн билан ўз билимини намоён этиш *(donner dans le blanc ;)*, ожизлик устун бўлиб турган бир пайтда бирор имтиёз ёки имконга эга бўлиш (*carte blanche ; montrer patte blanche),* ҳаётда бахт нашидаси билан яшаш (*voir tout en blanc ; fils de la poule blanche ;)* бошқалар томонидан ўзингга нисбатан мақтов эшитиш (*se faire blanc de son épée;),* ҳаётнинг завқли дамларини тантанали нишонлаш *(marquer de blanc;),* самимий қилинган ҳаракат учун аъло, зўр натижага эришиш (*boule blanche;)* каби вазиятлар ҳақиқатдан ҳам "ҲАЁТ ЗАВҚИ" тушунчасини ифодалайди.

Ушбу маъноларнинг акси ҳисобланган, яъни ўзи била туриб, сохта ишларни амалга ошириш (*sourire blanc ; mariage blanc; faire blanc de qch. ;),* ҳаётда қадрсизланиш *(raide à blanc;),* яшашдан мақсадсиз тарзда қолоқ инсонга айланиб қолиш (*n'avoir pas du sang blanc; ne connaitre ni le blanc, ni le noir ;*), ҳар бир ҳаракат ёки сўзда қатъият етишмаслиги (*aller du blanc au noir ;*), ҳаёт сўқмоқларида мағлубият ёки омадсизликка дуч келиш (*arborer le drapeau blanc de son épée; choux blanc; faire du blanc ;),* зўравонлик қилиш *(armes blanches; être tout à blanc armée ;bâton blanc ;),* ёмонлик йўлидаги алдовлар (*traiter des blancs ; messe blanche ;*), бирор нарсадан зарар кўриш (*éléphant blanc;*), ҳаёт ташвишларидан азоб чекиш (*cracher blanc ;*), турли хил иллатларни ўзига доимий одат қилиш (*oie blanche; aigle blanc; avoir une ivresse blanche;*), носоғлом турмуш тарзига хос уйқусизлик (*nuit blanche;*) каби вазиятлар эса, бир сўз билан айтганда "ҲАЁТ АЗОБИ" тушунчасини акс эттиради. Яъни, француз фразеологиясида оқ ранг *(blanc)* маъноси параллелизм асосидаги икки хил қарама-қарши тушунчани, яъни ижобий маънода *ҳаёт завқи* ва салбий маънода *ҳаёт азоби* тушунчаларини ифода эта олади.

Оқ ранг *(blanc)* иштирокидаги французча фразеологик бирликлар орасида ижобий ва салбий тушунчалардан ташқари, оралиқ, яъни нейтрал маънодаги тушунчалар ҳам мавжуд. Масалан, қоғозлардаги "бум-бўш" тушунчаси (бу хусусда юқорида батафил тўхталиб ўтилди), бир қарорга кела олмасдан иккиланиш (*dire blanc et noir ;*), жуда ёш бўлиш *( blanc bec;),* бирор нарсани таг-томири билан тозалаш (*couper un arbre à blanc estoc ; comme une tornade blanche ; coupe blanche ;),* ҳар бир ишда эҳтиёткорона ҳаракат қилиш (*mettre des gants blancs*;), бирор нарсани синаб кўриш (*examen blanc; faire passer une col blanche;)* кабилар шулар жумласидандир.

Французча мақоллар мазмунида ҳам оқ ранг (*blanc*) ўзига яраша маъно касб этади. Масалан :

| | | |
|---|---|---|
| Ижобий : | яхшилик | *Bave du crapaud n'atteint pas la blanche colombe.* |
| Салбий: | аҳмоқлик | *La muraille blanche est le papier des sots.* |
| Нейтрал: | ташқи моҳият | *Noire geline pond blanc œuf. Les mains noires font manger le pain blanc.* |

Оқ ранг француз тилида юқоридаги каби ижобий, салбий ва нейтрал тушунчалардан ташқари, борлиқдаги мавжуд нарса ва ҳодисаларни метафорик ва метонимик тарзда номлаш хусусиятига ҳам эга. Масалан, оқ либос ёки ички кийим (*vêtu de lin blanc ; magasin de blanc ;),* касаллик турлари (*mal blanc ; canne blanche; nègre blanc; n'y voir que du blanc ;),* касб номлари (*les hommes en blanc ; cornette blanche ; cul blanc ; col blanc ;),* табиат ҳодисалари номи (*marée blanche; gelée blanche;),* объектларнинг оқлигига ишора қилинган оқ ранг маъноси (*cheveux blancs ; loup blanc ; sable blanc ; fromage blanc ; fée blanche ; un blanc lime ;),* қиёсланган ва кучайирилган оппоқ ранг тушунчаси (*blanc comme albâtre; blanc comme plâtre; blanc comme neige ; blanc comme un cygne)* кабилар оқ рангнинг номинатив хусусиятларини намоён этишга ёрдам беради.

Мухтасар қилиб айтганда, француз фразеологиясида оқ рангнинг умумий маъно оттенкалари шулардан иборатдир.

Қуйида мазкур мавзуни француз тилига ноқардош бўлган тил, яъни ўзбек тили мисолида таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Оқ ранг маъносини ифодаловчи сифат ўзбек тилида "*оқ*" тарзида, ҳаракат маъносида эса "*оқартирмоқ*" феъли кўринишида ифодаланади. Ўзбек халқи оқ рангга яхшилик тимсоли сифатида қарайди. Шу асосда мазкур лексема ёрдамида, асосан, ижобий маъноли фразеологизмлар шаклланган [3,Б.156]. Бироқ, бошқа тилларагі каби ўзбек тилида ҳам оқ рангнинг ҳам ижобий ҳамда ҳам салбий маъно оттенкалари мавжуддир:

| **Ўзбек тилидаги *"оқ"* сўзининг фразеологиядаги маъно оттенкалари** | | | |
|---|---|---|---|
| **Ижобий маъно:** | | **Салбий маъно:** | |
| Меҳр-оқибат: | *оқ кўнгил; оқ ювиб оқ тарамоқ; кўзининг оқи қораси; оқ йўл; Оқ кўнгиллининг юзи кўркам;* | Ғазаб : | *кўзи ола-бўла бўлмоқ; оғзига оқ ит кириб, қора ит чиқмоқ ;кўзларининг оқини ўйнатмоқ; кўзига оқ-қора кўринмаслик; оқ калтак-қора калтак бўлмоқ;* |
| Баркамол улғайиш: | *оқ-қорани танимоқ; оқни оққа, қорани қорага ажратмоқ;* | Хасислик: | *Оқ уйим – қоқ уйим, теварак четига боқ уйим; Оппоқ бўлган оқ уйим, ош-нони йўқ қоқ уйим;* |
| Розилик : | *оқ фотиҳа; она сутини оқламоқ; тузини оқламоқ;* | Норозилик : | *оқпадар ; оқ қилинган фарзанд; оқ сутини оққа, кўк сутини кўкка соғмоқ;* |
| Айбсизлик : | *судда оқланмоқ; юзи оқармоқ; оқловчи;* | Баракасизлик: | *Косаси оқармаслик;* |
| Ризқ : | *оғзи оққа тегмоқ; оқлик бор уйга оғриқ доримас;* | Фош бўлиш: | *Оқ товуқ сомон сочар, ўз кетини ўзи очар;* |
| Соғлик: | *Оқи – оқ, қизили – қизил;* | Лаган-бардорлик: | *"оқ" деса-оқ, "кўк" деса – кўк;* |
| Бахт: | *манглайи оқ бўлмоқ;* | Бевафолик : | *Оқ бошдан ўтин бўлмас, уйнашдан – хотин;* |
| Ҳурмат: | *соқолининг оқини ҳурмат қилмоқ;* | | |

Агар оқ рангнинг ўзбек фразеологиясидаги бу каби семантик маъно оттенкалари умумий тарзда таҳлил қилинса, уларни икки катта гуруҳга, яъни "ФАЗИЛАТЛИ ШАХС" ва "ИЛЛАТЛИ ШАХС" сифатида туркумлаш мумкин. Масалан, ўзбек тилидаги "оқ" сўзининг фразеологиядаги маъно оттенкаларидан инсонлар бир-бирига меҳр-оқибатли бўлиши (оқ кўнгил; оқ ювиб оқ тарамоқ;), ҳаётнинг барча паст-баландликларини англаб етадиган баркамол шахс тарзида улгайиши (оқ-қорани танимоқ;), ота-онага бўлган ҳурмат юзасидан ҳаёт мазмуни сифатида ота-онани рози қилиш (оқ фотиҳа; она сутини оқламоқ;), ҳаётнинг қинғир ишларидан ҳазар қилувчи софдил инсон (судда оқланмоқ; юзи оқармоқ;), ҳаётда ризқ-насибали бўлиш (оғзи оққа тегмоқ; оқлик бор уйга оғриқ доримас;), ўз танасига бирор дард - касал юқтирмасдан соғлом юриш (оқи - оқ, қизили - қизил;), бахтли инсон бўлиш, яъни Оллоҳдан бахт берилиши (манглайи оқ бўлмоқ;), ўзидан катталарни ҳурмат қилиш (соқолининг оқини ҳурмат қилмоқ;) каби маъно тушунчалари тасаввуримизда "ФАЗИЛАТЛИ ШАХС" образи гавдаланишига ёрдам беради.

Ушбу образнинг қарама-қарши акси эса, ўзини ақл билан бошқара олмайдиган ғазаб талвасасига тушиб қолиш (кўзига оқ-қора кўринмаслик; оқ калтак-қора калтак бўлмоқ;), ота-онасини норози қилиш (оқпадар ; оқ қилинган фарзанд;), ўз иши битгунча лаганбардорлик қилиш ("оқ" деса-оқ, "кўк" деса - кўк;), бировга бирор нарса беришни истамасдан хасислик қилиш (Оппоқ бўлган оқ уйим, ош-нони йўқ қоқ уйим;), ҳаётда ўз ёрига нисбатан бевафолик қилиш (Оқ бошдан ўтин бўлмас, уйнашдан - хотин;), ўзини-ўзи кирдикорларини очиб, фош қилиши (Оқ товуқ сомон сочар, ўз кетини ўзи очар;), ҳаётда шунча меҳнат қилиб, кўп пул топса ҳам оила ва рўзғорда Оллоҳ марҳаматининг йўқлиги (косаси оқармаслик ) каби инсонларга хос салбий хусусиятлар тасаввуримизда "ИЛЛАТЛИ ШАХС" образининг гавдаланишига ёрдам беради.

Бундан ташқари, ўзбек тилида ҳам нейтрал тушунчаларни ифодаловчи фразеологизмлар мавжуд бўлиб, улар қаторига "сир сақлаш"ни ифодаловчи (Оқ туя кўрдингми йўқ, кўк туя кўрдингми йўқ; тишининг оқини кўрсатмаслик), "кишининг асл кимлиги"ни кўрсатувчи (Оқ бадан, қора бадан сувга тушганда маълум; Оқ уйда бўлган киши олачиқда ҳам бўлади; Оқ ит қора ит барибир ит; Оқ қўй ҳам ўз оёғидан осилади, қора қўй ҳам;), "қора кунга оз-оздан маблағ тўплаш" маъносидаги (Оқ танга - қора кунга;), "ҳар бир киши ўз тенги билан дўст тутиниши" лозимлиги (Оқ иштоннинг балоғи қора иштонга ярашмас;), "кишилар ўртасидаги ижтимоий фарқ" маъносидаги (оқ танли; оқсуяк;), аёлларда кўп учрайдиган таннозлик ёки нафислик хусусияти (оқ бадан; оқ юзли; оқ билак;), кексайиш жараёни (сочи оқармоқ; сочига оқ ораламоқ;), табий жараён сифатида тонгнинг ёришиб отиши (ғира-шира оқармоқ;), янги, тоза ва покиза (оққа кўчирмоқ; оқсув;) каби маъноларни ифодаловчи ибораларни киритиш мумкин.

Оқ ранг ўзбек тилида ҳам ижобий, салбий ва нейтрал тушунчалардан ташқари, борлиқдаги мавжуд нарса ва ҳодисаларни метафорик ва метонимик тарзда номлаш хусусиятига ҳам эгадир. Бунда фразеологик бирликларнинг ясалиши нарса ёки воқеа-ҳодисаларнинг оқ рангли хусусиятига асосланган ҳолда амалга ошади. Масалан, қор ёққанда ишлатиладиган ерлар оқармоқ; пахта толаси учун қўлланиладиган оқ олтин; тоғда ўсадиган ўсимлик номи оқпарчой; оққуйруқ; кишиларнинг юз ва соч рангидан келиб чиққан оқ-сариқ; оқ соч; каби иборалар шулар жумласидандир.

Иккала тил мисолида олиб борилган мазкур таҳлил оқ рангининг қуйидагича лингво-прагматик хусусиятларини таққослаш имконини беради. Қуйидаги жадвалга эътибор қилайлик:

| **Француз ва ўзбек тилидаги *"blanc" - "оқ"* сўзининг фразеологиядаги маъно оттенкалари** | | | |
|---|---|---|---|
| **Ижобий маъно:** | | **Салбий маъно:** | |
| *Француз тилида :* | *Ўзбек тилида:* | *Француз тилида :* | *Ўзбек тилида:* |
| Эзгулик | Меҳр-оқибат | Қўрқув | Ғазаб |
| Яхшилик | Ҳурмат | Аҳмоқлик | Норозилик |
| Айбсизлик | Айбсизлик | Алдов | Лаганбардорлик |
| Билимдонлик | Баркамоллик | Қадрсизлик | Хасислик |
| Имтиёз | Розилик | Сохталик | Бевафолик |
| Бахт | Бахт | Зўравонлик | Касаллик |
| Мақтов | Соғлик | Мағлубият | Мотам |
| Тоза, янги | Ризқ-насиба | Қатъиятсизлик | Фош бўлиш |
| Тантанали | | Қолоқлик | Баракасизлик |
| Аъло, зўр | | Ёмон иллат | |
| | | Зарар | |
| | | Азоб | |
| | | Уйқусизлик | |
| **"ҲАЁТ ЗАВҚИ"** | **"ФАЗИЛАТЛИ ШАХС"** | **"ҲАЁТ АЗОБИ"** | **"ИЛЛАТЛИ ШАХС"** |

Француз тилида оқ ранг ҳаётдаги кенгқамровли ижобий ва салбий вазиятлар ифодаси учун қўлланилса, ўзбек тилида эса асосан, шахс фазилати ва иллатига хос тор доирадаги вазиятлар ифодаси учун ишлатилади. Бошқача қилиб айтганда, француз тилидаги "blanc" сўзи ёрдамида ҳосил бўлган фразеологик бирликларнинг семантик маъно майдони умумий объектда (ҳаётнинг турли жабҳасида) фаоллашса, ўзбек тилидаги "оқ" сўзи ёрдамида ҳосил бўлган фразеологик бирликларнинг семантик маъно майдони эса хусусий объектда (фақат шахс фаолияти доирасида) фаоллашади.

Француз ва ўзбек тилидаги "blanc" - "оқ" сўзининг фразеологиядаги нейтрал маъно оттенкалари қиёсий таҳлил қилинганда эса қўйидагича ҳолат намоён бўлади

| ***Француз тилида :*** | ***Ўзбек тилида:*** |
|---|---|
| Бум-бўшлик | Тенглик |
| Сукунат | Сир сақлаш |
| Иккиланиш | Эртани уйлаш |
| Тажрибасизлик | Поклик |
| Тозалаш | Ижтимоий фарқ |
| Эҳтиёткорлик | Таннозлик / нафислик |
| Синов | Кексалик |
| Моҳият | Моҳият |
| | Янги |
| | Ёруғлик |
| **Умумий маъно: МАВЖУДСИЗЛИК** | **Умумий маъно: ИЖТИМОИЙЛИК** |

Француз тилидаги оқ ранг иштирокидаги нейтраллик тушунчаси асосидаги фразеологизмларда асосан, "мавжудсизлик", яъни "йўқлик" маъноси ҳукм суради. Бинобарин, юқорида келтирилганидек, "бум-бўш", бир қарорга кела олмасдан "иккиланиш", жим-житликдаги "сукунат", "тажрибанинг йўқлиги", бирор нарсани таг-томири билан "тозалаб йўқотиш" каби тушунчаларнинг туб моҳиятида "мавжудсизлик" тушунчаси акс этган. Ўзбек тилида эса, маълум бир объект, яъни шахсга қаратилган турли хусусият, ҳолат ва вазиятлар ўз ифодасини топган. Хусусан, инсонлар ўртасидаги "тенглик", "сир сақлаш", "эртани уйлаш", "поклик", "ижтимоий фарқ", "таннозлик", "нафислик" ва "кексалик" каби тушунчалар умумий маънода "ижтимоийлик" тушунчасини ифодалай олади.

Оқ ранг турли хил халқ маданиятида турлича талқин қилинади. Масалан, Америкада "тозалик", Францияда "нейтраллик", Мисрда "шодлик", Ҳиндистонда "мотам", Хитойда эса "мотам / тозалик" маъносини англатади, дейди А.Хроленко [12,Б.18]. Ушбу рўйхатни мантиқан давом эттирган ҳолда юқоридаги таҳлилдан келиб чиқиб, оқ ранг ўзбек халқида асосан, "яхшилик" тушунчасини ифодалайди, деган хулосага келиш мумкин. Француз халқида эса оқ ранг "нейтраллик"ни ифодалаши юқорида таҳлил қилинганидек, аксарият французча фразеологик иборалардаги қоғоз ва ҳужжатларга нисбатан "бум-бўш" маъносида кенг тарзда ишлатилиши, шунингдек, ҳам ижобий ва ҳам салбий тушунчаларни ифодалаши ушбу фикрни янада мустаҳкамлайди. Турли миллат эгаларининг оқ рангга нисбатан бундай қарашлари мазкур халқларнинг ўз қадриятлари асосидаги миллий қарашлари замирида пайдо бўлган. Хусусан, олим Ш.Сафаровнинг таъкидлашича, инсон фаолияти маълум миллий маданият ва миллий муҳит доирасида кечади. Шу сабабли ҳар қандай турдаги билиш жараёнига оид структуралар ва тузилмаларда миллий колорит мавжуд бўлиши ҳам табиийдир [6,Б.54].

Хулоса. Оқ рангнинг тил (француз ва ўзбек тили), психология ва диний қарашлардаги маъно оттенкалари ўзаро таққосланганда таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, ушбу рангнинг ифодалаётган маъно турлари тилда анча хилма-хил хусусий маънолардан иборат бўлиб, улар психологик ва диний нуқтаи назардан анча умумийлашган тарзда акс этади. Бошқача қилиб айтганда, оқ ранг орқали ифодаланган инсонларга хос хусусий фазилатлар фақат ижобий хислатлар нуқтаи назаридан олиб қаралганда психологияда маълум даражада умумлашади ва "Қуръони Карим"да эса анча яхлит маънони ифодалайди. Масалан, ўзбек тилидаги инсонларга хос меҳр-оқибат, ҳурмат, баркамоллик, рози-ризолик, айбсизлик, бахт, соғлик, ва ризқ-насиба каби манолар ҳамда француз тилидаги эзгулик, яхшилик, айбсизлик, билимдонлик, бахт, мақтов ва имтиёз тушунчалари психологияда умумлашган ҳолда қалб поклиги, яхшилик ва эзгулик маъноси остида жам бўлса, "Қуръони Карим"да эса буларнинг барчаси юз ёруғлиги (жаннат аҳлининг юзи) маъноси остида яхлитланган. Яъни оқ рангнинг "шахс" ва "реал борлиқ" ўртасидаги изчил ифодаси диний, психологик ва тилга хос характерларда кетма-кет тарзда фаоллашган дейиш мумкин. Ушбу ҳолатни қуйидаги жадвал орқали шундай тасвирлаш мумкин :

| «Қуръони Карим»да: | Психологияда: | Француз тилида: | Ўзбек тилида: |
|---|---|---|---|
| *-юз ёруғлиги (жаннат аҳлининг юзи)* | *-қалб поклиги*<br>*-қувонч*<br>*-айбсизлик*<br>*-садоқат*<br>*-тенглик*<br>*-осонлик* | *-эзгулик*<br>*-яхшилик*<br>*-билимдонлик*<br>*-айбсизлик*<br>*-бахт*<br>*-мақтов*<br>*-аъло, зўр*<br>*-тоза, янги*<br>*-тантанали*<br>*-имтиёз* | *-меҳр-оқибат*<br>*-ҳурмат*<br>*-баркамоллик*<br>*-рози-ризолик*<br>*-айбсизлик*<br>*-бахт*<br>*-соғлик*<br>*-ризқ-насиба* |

Юқорида келтирилган ушбу таҳлил оқ рангнинг ижобий хусусиятларига асосланган. Бироқ унинг салбий хусусиятларига келсак, бу хусусда учлик мезон, яъни тил, психология ва илоҳиёт нуқтаи назаридан таҳлил қилишнинг иложи йўқ. Негаки, оқ рангнинг салбий маънолари илоҳиёт ва психологияда мавжуд эмас. Фақат тилдагина оқ рангнинг салбий маънолари мавжуддир. Нейтрал маънолар хусусида тўхталсак, оқ рангнинг учлик мезон доирасидаги талқини анча хилма-хил бўлиб, уларни маълум бир маънолар туркумида умумлаштириш эса мумкин эмас.

Шуни қайд этиш лозимки, оқ ранг ифодалаётган маънолар кўлами фақат, ҳаётнинг турли хил вазиятларида ва шахсларнинг турли характер шаклларида ўз аксини топади. Бошқача қилиб айтганда, оқ ранг асосан "ижтимоий ҳаёт" ва "шахс" категорияларини ифодалаш учун хизмат қилади.

Табиатда мавжуд турфа ранглар ва уларнинг ҳар бирини тилшунослик, психология, теология ва бошқа фанлар билан юқоридаги сингари қиёсий тарзда ўрганиш орқали тилшунослик фанида "ранглар олами" ҳамда "ранглар тили"ни кенг тадқиқ этиш имкони янада кенгаяди.

**Иқтибослар/Сноски/References**

1.Гак В.Г. и др. Новый большой французско-русский фразеологический словарь - Le nouveau grand dictionnaire phras?ologique fran?ais-russe : более 50000 выражений (под ред. В. Г. Гака.)- Москва: Рус. яз. - Медиа, 2005. - 1624 с.

2.Гатауллина Л. Р. Роль цветообозначений в концептуализации мира: на материале фразеологизмов английского, немецкого, французского, русского и татарского языков. Автореф. диссер. кан. филол. Наук. - Уфа, 2005. -25 с.

3.Маматов А. Ўзбек тили фразеологияси. -Тошкент: Наврўз, 2019. -260 б.

4.Маҳмуд Саттор. Ўзбекнинг гапи қизиқ. -Тошкент: Тафаккур қаноти, 2011. - 148 б.

5.Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. -Тошкент: Ўқитувчи, 1978. - 407 б.

6.Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. -Жиззах: Сангзор, 2006. - 92 б.

7.Сафаров Ш. Прагмалингвистика. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. -318 б.

8.Серов Н.В. Цвет культуры : психология, культурология, физиология. - Санкт -Петербург: Речь, 2003. -672 с.

9.Сувонова Н., Долиева Л. Французча ономатопик феъллар иштирокидаги ибораларда инсон руҳияти тасвири. // Scientific-methodological electronic journal "Foreign Languages in Uzbekistan", 2020, No 2 (31), 65-79 https://journal.fledu.uz ISSN: 2181-8215 (online)

10.Тафтазоний, Саъдуддин Масъуд ибн Умар. e-tarix.uz□shaxslar/483-taftazoniy.html.

11.Фрумкина Р.М. Цвет, смысль, сходство (аспекты психолингвистического анализа). -Москва: Наука, 1984. - 176 с.

12.Хроленко А. Т. Основы лингвокультурологии. [Электрон ресурс] : учеб. пособие - Электрон. дан. - Москва : ФЛИНТА, 2016. - 181 с. - URL: https://e.lanbook. com/ book/

13.Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. "Қуръони Карим" ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси. -Тошкент : "Шарқ" НМАК, 2011. - 640 б.

14.Шомақсудов Ш., Шарахмедов Ш. Маънолар маҳзани. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. - 477 б.

15.Цвет в античной культуре. Древняя Греция и Древний Рим. http://cvet-psy.ru/tsvet-v-antichnoj-kulture-drevnyaya-grets

16.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи, 2017 йил, 20 сентябрь

17.Doliyeva L. Fransuz frazeologiyasida rang va ruhiyat oppozitsiyasi. // Хорижий филология №4, 2020. - В. 129 -136 [Электрон ресурс: http: // samxorfil.uz / maqola / arxiv]

18.Psixologik ranglarning ma'nosi/ https://uz.tierient.com/

19.Rey A., Chantreau S. Dictionnaire des expressions et locutions. -Nouv. ed. rev. et augm. - Paris, 1984. -1035 p.

20.Ўзбекистон миллий энциклопедияси. -Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти. www.ziyouz.com кутубхонаси. -Б. 67